


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*5510300 - Тиббий профилактика иши*  
*бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари*

Тошкент



## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент тиббиёт академияси

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2015 йил «21» август даги 303 - сонли буйруги.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдири.

## МУНДАРИЖА

	бет
<b>Т/р</b>	
1. <i>5510300 - Тиббий профилактика иши бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи .....</i>	<b>4</b>
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.2. <i>5510300 – Тиббий профилактика иши – таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.....</i>	4
2. <i>5510300 – Тиббий профилактика иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....</i>	<b>6</b>
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	6
2.2. <i>5510300 - Тиббий профилактика иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари .....</i>	6
3. <i>5510300 – Тиббий профилактика иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....</i>	<b>8</b>
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	8
3.2. <i>5510300-Тиббий профилактика иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми .....</i>	14

## **1. 5510300 – Тиббий профилактика иши бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи**

**5510300 – Тиббий профилактика иши** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлик ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) хамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даражаси)**

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражаси)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	6 йил

### **1.1. Кўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5510300 - Тиббий профилактика иши** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш хукуқига эга деб хисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

–мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини хисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чикиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

–таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқутарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

–ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

–битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

–олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

–олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

–таълим йўналишини ихтиёрий танлаш хукуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. 5510300-Тиббий профилактика иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи**

**1.2.1.5510300-Тиббий профилактика иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**5510300 – Тиббий профилактика иши** бакалавриат таълим йўналиши – соғликни

сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари (республика, вилоят, шахар, туман ва тармоқ (Ўзбекистон ҳаво йўллари, Ўзбекистон темир йўллари ва бошқалар) давлат санитария эпидемиология назорат марказларида, ОИТС карши кураш марказларида, патологик анатомия марказларида, суд-тиббиёт экспертиза марказларида, атроф-мухит объектларини санитария ҳолатини ўрганиш, гигиеник баҳолаш ва профилактик тавсиялар ишлаб чиқиш фаолиятини олиб бориш; ахоли яшаш жойлари атроф-мухитини санитария мухофазасига йўналтирилган тиббий-профилактик муаммолар бўйича асосий вазифаларни ҳал қилиш, Ўзбекистон Республикаси давлат санитария эпидемиология назорат Бош бошқармаси санитария-гигиеник регламент ва меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ қилиш фаолиятини олиб бориш; соғликни сақлаш тизимининг барча бўгинларида санитария-гигиенаси соҳасида комплекс масалаларни ечишни ўз ичига олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуклари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

#### **1.2.2.5510300–Тиббий профилактика иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

—соғликни сақлаш тизимида жараёнлар, соғликни сақлаш тизимида тегишли дастурлар, стандартлар, илмий маколалар, тезислар, илмий-тадқиқот ишлари, меъёрий хужжатлар, маълумотномалар, хисоботлар; тиббиёт асбоб-ускуналари, дори воситалари, муолажалар, ресурслар, воситалар, усул ва услублар мажмуаси; илмий тадқиқот жараёнлари;

—йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуклари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин;

— илмий-тадқиқот жараёни.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуклари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин

#### **5510300–Тиббий профилактика иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қўйидагиларни қамраб олади:**

- Давлат санитария эпидемиология назорати маркази (ДСЭНМ) назорат остидаги объектларда (хизмат қўрсатиш шаклидан қатъий назар) огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратлари бўйича амалий фаолиятини мустақил олиб бориши;
- соғломлаштириш, санитар-гигиеник ва профилактик чора-тадбирлар комплексини мустақил тарзда ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириши ва ўтказиши;
- ишловчилар орасида соғлом турмуш тарзи қўнималарини шаклантириш уларнинг жисмоний ва тиббий фаоллигини ошириши;
- гигиена ва эпидемиология йўналишида қўлланилаётган илғор профилактик тадбирларни ўрганиши ва амалиётга тадбиқ этиши;
- гигиена ва эпидемиология йўналишида профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш бўйича тўлиқ ҳажмдаги зарурий қўнималарга эга бўлган юкори малакали мутахассис сифатида мустақил амалий фаолиятни амалга ошириши лозим.

#### **1.2.3. 5510300 – Тиббий профилактика иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- тиббиёт профилактикаси
- ташкилий-бошқарув;
- тиббий- ижтимоий;
- илмий-тадқиқот;

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан хамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

#### **1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида маҳсус фанларни ўқитиши мумкин.

#### **1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

*5510300 – Тиббий профилактика иши таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:*

**5510300 – Тиббий профилактика иши таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин қўйидаги:**

-5A510301- Гигиена (йўналишлар бўйича);

танлов мутахассисликлари

-5A510115-Соғлиқни сақлашни бошқариш ва жамоат соғлигини сақлаш йўналишлар бўйича);

-5A510113-Ташхиснинг инструментал ва функционал усуллари (йўналишлар бўйича);

-5A510118 - Морфология (йўналишлар бўйича);

-5A510126-Фармакология магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

• Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил изланувчи сифатида илмий - тадқиқот олиб бориш мумкин.

#### **2.5510300-Тиббий профилактика иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

##### **2.1.Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

• дунёкаш билан боғлик тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил кила олиши;

• Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқбол гоясига асосланган фаол хаётини назарга эга бўлиши;

• табиат ва жамиятда кечеётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

• инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқукий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни хисобга ола билиши;

• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

• тегишли бакалавриат йўналиши бўйича ракоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

• янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида иглаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

• соглом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўниқмаларига эга бўлиши лозим.

##### **Бакалавр:**

• таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил иглашга;

• тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

## **2.2.5510300–Тиббий профилактика иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

### **Тиббиёт профилактикаси фаолиятида:**

- Давлат санитария эпидемиология назорати маркази (ДСЭНМ) назорат остидаги обьектларда (хизмат кўрсатиш шаклидан қатъий назар) огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратлари бўйича амалий фаолиятини мустақил олиб бориши;

- соғломлаштириш, санитар-гигиеник ва профилактик чора-тадбирлар комплексини мустақил тарзда ишлаб чиқиши, мувофиқлаштириши ва ўтказиши;

- ишловчилар орасида соғлом турмуш тарзи кўнимкамларини шаклантириш уларнинг жисмоний, тиббий фаоллигини ошириши;

- гигиена йўналишида қўлланилаётган илгор профилактик тадбирларни ўрганиши ва амалиётга тадбиқ этиши;

- гигиена йўналишида профилактик чора-тадбирларини ташкиллаштириш бўйича тўлиқ ҳажмдаги зарурий кўнимкамларга эга бўлган юкори малакали мутахассис сифатида мустақил амалий фаолиятни амалга оширишни эгаллаш ва баҳолаш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқариши;

- давлат санитария-эпидемиология назоратини ташкиллаштириш ва бошқариши;

- санитария қоида ва меъёрлар, гигиеник нормативлар, давлат меҳнат хавфсизлиги стандартлари тизими, қурилиш меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқаришда амалий ва услубий ёрдам бериши;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиши;

- санитария-эпидемиология назорати сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиши ва тадбиқ қилиши;

- санитария-эпидемиология назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган жараёнлари ва ресурсларини режалаштириши;

- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизmlарини ишлаб чиқиши;

- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиши ва бошқариши;

- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув карорини қабул қилиши;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

### **• Тиббий – ижтимоий фаолиятида:**

- ижтимоий соҳа ҳимоя органлари ва раҳм-шафқат хизматлари билан ҳамкорликда оила ва алоҳида аҳоли гурухларига тиббий-ижтимоий, демографик ва психологик таҳдид омилларини хисобга олган ҳолда хизмат турларини ташкиллаштириши ва хизмат кўрсатиши;

- аҳоли ўртасида жисмоний, тиббий-ижтимоий ва психологик нуфузни тиклаш қаратилган қобилиятларга эга бўлиши керак.

### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда тиббий профилактика ишига оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда иштирок этиши;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни максадга йўналган ҳолда қидириши ва топиши;

- тиббий профилактика ишига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиши;
- касбий фаолият обьекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиши;
- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда, давлат санитария эпидемиология назорати марказларида экспериментал тадқиқотлар ўтказиши, уларнинг натижаларига ишлов бериши, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариши;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаши, соҳа оид адабиётларни экспертизасини амалга оширишда қатнашиши;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашиши;
- илмий семинарлар, илмий-амалий анжуманларда иштирок этиши;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш, илмий-амалий мавзувий журналларга маколаларни тайёрлаш қобилиятларга эга бўлиши керак.

**3.5510300-Тиббий профилактика иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**5510300-Тиббий профилактика иши** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қўйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва ижтимоий-иктисодий;  
математик ва табиий-илмий;  
умумкасбий;  
ихтисослик;  
кўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни хам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир канча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидағи гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:**

умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узвийлик хамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда математик тушунчалар ва тасавурлар умумийлиги, математик усуллар ва моделлар, информацион тизим, тиббиётда лотин тили терминологиясининг моҳияти ва аҳамияти, терминоэлементлар бўйича клиник атамалар, физикавий, кимёвий ва биологик жараёнларнинг ўзаро таъсирлашуви, замонавий тиббий билим олишни ўзига хослиги ва ривожланишнинг асосий босқичлари, биофизика фанининг моҳияти, вазифалари, организм аъзо ва тўқималарининг фаолияти асосида ётувчи умумий физикавий ва биофизикавий конуниятлари, физикавий конуниятларнинг тирик организмдаги жараёнларга татбиқ этиш, кимёнинг асосий қонунлари, органик бирикмаларнинг тузилиш назарияси, организмда кечадиган биокимёвий жараёнларнинг

ўзаро боғлиқлиги, патологик ҳолатларда моддалар алмашинувининг бузилиши ҳакида тасаввурларни шакллантириши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги, тиббиёт соҳасида фундаментал ва клиник фанларни ўзлаштириш учун анатомия фанининг зарурлиги, организмнинг ўсиши, шакланиши, ривожланишининг асосий қонуниятларининг моҳияти, уларнинг ташки мухит билан муносабатини таъминлаётган тизимлар ҳамда уларнинг ёшга нисбатан ўзгариши, гистология, эмбриология, цитология фанининг назарий ва илмий асосларига таянган ҳолда ҳужайра, тўқималарнинг турлари, умумий тузилиши ва вазифалари, аъзоларнинг тараққиёт манбалари, шаклланиш муддатлари, умумий тузилиш асослари, вазифалари ва ёшга кўра бўладиган ўзгаришлари, одам эмбриологияси босқичлари, уларнинг хусусиятлари, аъзолар, физиологиянинг мақсад ва вазифаси, унинг умумий амалиёт врачи фаолиятидаги аҳамияти, замонавий тиббий микробиология, вирусология ва иммунология фани, унинг мақсад ва вазифалари, одам ҳаёт фаолияти жараёнида физиологик функцияларнинг бошқарилиши ва асосий қонуниятлари ҳакидаги назарий ҳамда илмий тасаввурларни шакллантириши;

Патологиянинг асосий тузилиши (микроскоп ва гистологик) белгилари. Ҳужайраларнинг умумий патологияси. Захарланиш ва некроз, қон ва лимфа айланишининг бузулиши, яллиғланиш. Иммунопатологик ва компенсатор-мослашиш жараёнлари, шишлар. Аъзо ва тизимларда касалланиш ҳолатидаги хусусий патологик морфология. Юқумли касалликларнинг патологик анатомияси.

Касалликларни ривожланиши ва тузилиш қонуниятлари ва механизми асослари. «касалланиш олди» ва касалланиш тушунчasi, ижтимоий-экологик омилларнинг аҳамияти, этиология ва патогенезнинг умумий масалалари. Атроф- мухит ифлосланишини касалланиш сабабларининг янги омиллари маҳсус ва умумий касалланиш ҳолатларининг бир-бирига боғлиқлиги. Патологияда ирсиятнинг ва организмнинг реактивлигини бузилиши, иммунопатологик кўринишлари. Патологик жараёнлар патофизиологияси: танада қон айланишини, тўқималар ўсиши ва метаболизмнинг бузулиши, яллиғланиш, иситма, гипоксия. Аъзо ва тўқималарнинг патологиясида функционал бузулишларнинг тафсилоти. Она-ҳомила-йўлдош тизими ва ёши бўйича патофизиологиянинг ўзига хос томонлари, экстремал ҳолатлар ва уларни коррекция килишнинг асосий тамойиллари.

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим;

### Умумкасбий фанлар блоки:

математик ва табиий-илмий фанлар билан маҳсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий қўникум ва уқувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ қасб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуклар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳакида тасаввур ҳосил қилиши;

Дори воситалари, уларнинг инсон ва ҳайвон организмига таъсир механизми. Умумий фармакология, дори воситаларининг фармакокинетикаси. Умумий токсикологиянинг асослари. Хусусий фармакология-турли аъзо ва тизимларга таъсири, таъсир этиш механизми бўйича доривор моддаларнинг кайд рўйхати. Кўлланиши бўйича мос келадиган ва келмайдиган кўрсатмалар. Ёшга нисбатан таъсирининг ўзига хос томонлари. Кўшумча ва заҳарлилик хусусиятлари, асоратлари, дори воситаларидан заҳарланганда ёрдам кўрсатиш. Умумий рецептура, доза, рецептнинг шакллари. Турли паталогик ҳолатлар учун дори ёзиш йўллари.

Тирик фуқороларга етказилган тан жароҳатларини экспертизаси. Ўлим ҳолатини, механик жароҳатларни, заҳарланиш ҳолатларини аниклаш бўйича мурдаларни экспертиза қилиш. Далилий ашёларни экспертизаси, расмий хужжатларни тўлдириш

Беморларни лаборатория асбоблари (лаборатор ва клиник) текширувларга тайёрлаш. Ички касалликларни ташхисидаги белгилар ва кўринишлар-этиологияси, патогенези, клиникаси, даволаш усуллари, профилактикаси. Колдириб бўлмайдиган шароитларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш. Асосий тиббий ҳужжатлар.

Кутилмаган ҳолатларда ва табиий оғатларда зарар кўрганларга ва шикастланганларга кечиктириб бўлмайдиган тиббий-терапевтик ёрдам кўрсатиш. Нурланиш касаллиги, ташхис кўйиш ва даволаш, саралаш ва касалларни эвакуация қилиш.

Сил касаллиги этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, хатарли гурухлари, ташхис усуллари, эрта ташхис кўйиш, даволаш, диспансеризация, профилактика. Ҳомиладор ва кекса ўшдаги инсонларда сил касаллиги. Махсус профилактика.

ВТЭК (шифокорлик меҳнат экспертизаси комплекси), ижтимоий соҳалар. Этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис усуллари, оқибати ва энг кўп тарқалган касб касалликларининг давоси. Врачлик меҳнат экспертизаси, профилактикаси. Профилактик тиббий кўриклар. Касб касалликларида иш билан таъминлаш. Тиббий ҳужжатлар.

Тери таносил касалликлари этиологияси, эпидемиологияси, патогенези, клиникаси, лаборатория ташхиси ва даволаш асослари, профилактикаси. Диспансеризация. Тери, касбга оид тери, таносил, ҳамда жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар профилактикаси. ОИТС ни профилактикаси.

Юқумли касалликлар этиологияси, патогенези, клиникаси, лаборатория- асбоблари ташхиси, давоси, диспансеризация ва юқумли касалликларни энг кўп тарқалган гижжа касалликларини олдини олиш, асоратлари. Кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатиш. Юқумли касалликларни эрта аниқлаш.

Асаб тизимининг клиник анатомияси. Асаб касаллигини аник ташхиси, асосий белгилари, этиологияси, патогенези, клиникаси, текшириш усуллари, асоратлари, давоси. Кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам. Марказий ва периферик асаб тизимининг орттирилган, ирсий ва касб касалликларида иш билан таъминлаш. Соматоневрология.

Умумий психопатология ва хусусий психиатрия. Асосий руҳий психопатологик синдромлар. Шошилинч ҳолатлар. Психопрофилактика ва психогигиена асослари. Беморнинг руҳий фаолиятининг асосий қонуниятлари, сог ва касаллик ҳолатининг чегаралари. Тиббий психология асослари, деонтология, этика, психогигиена.

Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга бўлган кўрсатмалар. Шуғулланувчилар устидан тиббий назорат ўтказиш. Организмнинг жисмоний ривожланганлигини аниқлаш ва баҳолаш. Спорт иншоатларига ва спортчилар гигиенасига (бош кийим, поїафзал, овқатланиши, дам олиш, кун тартиби) талаблар. Организмнинг иш бажариш қобилиятини, тикланиш жараёнларини аниқлаш ва олинган натижаларни баҳолаш. Ташки нафас аппаратининг функционал ҳолати, аниқлаш усуллари ва баҳолаш. Врач-педагогик назорати ва қўлланиладиган усуллари. Врач назорати картасини (Шакл 061/у) расмийлаштириш ва ҳимоя этиш. Шифобаҳш жисмоний тарбиянинг умумий асослари: восита, шакл, ҳаракат тартиботи. Самарадорлигини аниқлаш усуллари.

Инсонларнинг хасталикларини ултратовуш, рентген (шу жумладан компьютер томографияси), радионуклейд ва ядро – магнит резонанс ташхиси. Хавфли ўсмаларни ва ўсма бўлмаган хасталикларни нур билан даволаш.

Беморларни лаборатория ва асбоблар ёрдамида текшириш усулларига тайёрлаш. Асептика, антисептика. Анестезиологиянинг асослари, клиник ва лаборатория текшириш усуллари. Кон кетишда ва жароҳатларда биринчи ёрдам кўрсатиш. Кон кўйиш, жарроҳлик муолажаларининг турлари. Операциядан олдинги тайёргарлик ва операциядан кейинги давр. Асоратлар, уларни олдини олиш. Энг кўп тарқалган ўткир ва сурункали жарроҳлик касалликларини этиологияси, патогенези, клиникаси, давоси, асосий тиббий ҳужжатлар.

Меҳнат фаолиятини тиклаш. Ижтимоий реабилитация, протезлаш, травматизм (жароҳатланиш, хонадонда, транспортда, ишлаб чиқаришда, спортда, мактабда, кишлок хўжалигига) сабаблари ва олдини олиш чоралари, этиологияси, патогенези, ташхис кўйиш

ва жароҳатланган ва таянч ҳаракат аппаратларини синган беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш. Кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш. Фавқулотда холатларида ва табиий офатларда талофат кўрганларга биринчи ёрдам кўрсатиш ва транспорт иммобилизациясини бажариш.

Отолоринология: қулоқ, ҳалқум, хикилдок ва бурун касалликларини этиологияси, патогенези, клиникаси, текшириш усуллари, асоратлари, даволаш ва профилактикаси, уларни бошка аъзо ва тизимларга таъсири. Кечиктириб бўлмайдиган холатларда тез тиббий ёрдамини кўрсатиш. Ташки мухит ва ишлаб чиқариш мухити омилларини таъсири.

Огиз бўшлиғи ва тишларнинг касалликлари этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхиси, ички аъзо касалликлари билан бօгликлиги, даволаш усуллари, профилактикаси.

Кўзнинг ёшга нисбатан анатомияси. Физиологик оптика, кўришнинг оптик коррекцияси. Кўриш аъзоларининг туфма, орттирилган ва касбий касалликлари этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхиси, оқибатлари, асоратлари, даволаш тамойиллари профилактикаси. Кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш. Кўз жароҳатлари – биринчи ёрдам кўрсатиш, олдини олиш, экспертизаси ва профилактикаси. Болалик йиллари даврлари ва уларнинг ўзига хос томонлари. Болаларнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар. Болалар жисмоний ривожланишининг мониторинги. Кўкрак сути билан бокиши, гўдакларни овқатлантириш усуллари. Болалар орасида кенг тарқалган касалликларнинг этиологияси, патогенези, клиникаси, асоратлари, дифференциал ташхис, бирламчи, иккиласми ва учламчи профилактикаси. Болалар иммун тизимининг ўзиги хослиги ва ривожланиш даврлари. Профилактик эмлашлар. Шошилинч холатларда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тамойиллари.

Фаннинг назарий ва амалий асослари. Ирсий касалликлар бўйича хавф гурухлари. Скрининг марказлари. Ген ва хромосом касалликларнинг этиологияси, патогенези, клиник белгилари, профилактикаси. Ташхислаш учун қўлланиладиган усуллар.

Аёллар организмининг ўзига хос томонлари. Ҳомиладорлик даврида, туғганда ва туғгандан кейинги даврда бўладиган физиологик ва патологик жараёнлар. Ҳомиладорлик – ташхис усуллари, ҳомила холатини аниклаш усуллари. Экстрагенитал патология, гестозлар, клиникаси ва даволаш. Ҳомиладорликни физиологик жараёнини бузилиш сабаблари. Физиологик ва патологик туғишилар. Кечиктириб бўлмайдиган холатларда тез ёрдам, профилактика. Аёлларнинг репродуктив фаолиятини ва унинг ҳар хил ёшдаги даврларда ва ишлаб чиқаришнинг заарли омилларининг таъсири натижасида бузилиши. Аёллар жинсий аъзолари касалликларнинг этиологияси, патогенези, клиникаси, ташхис усуллари, давоси ва профилактикаси. Абортлар, беспуштлик. Оилани режалаштириш, контрацепция.

Атроф-мухит объектларининг гигиеник тафсилоти ва уларнинг инсон саломатлиги учун аҳамияти – ҳаво, сув, тупрок ва қуёш нури. Огоҳлантирувчи ва жорий санитария назария ҳакида тушунча. Ҳаво муҳити, сув, тупрок, қуёш нури радиациясининг гигиеник кўрсаткичларини текшириш усуллари. Экологиянинг асосий тамойиллари. Ташки мухит ва инсонлар ўртасидаги ўзаро таассуротлар. Мехнат гигиенаси. Аҳоли рационал овқатланишининг аҳамияти, гигиеник талаблар. Болалар ва ўсмирларнинг ўқитиш ва тарбиялаш шароитларининг гигиеник аҳамияти. Коммунал гигиена, шахсий гигиена, психогигиенанинг долзарб муаммолари, бирламчи профилактик масалалари.

Аҳоли саломатлиги-уни ўрганиш усуллари, ижтимоий-гигиеник аҳамияти, ижтимоий-гигиеник омиллар ва турмуш тарзини аҳоли саломатлигини шакланишидаги тутган ўрни. Энг муҳим хасталиклар, уларнинг ижтимоий-гигиеник аҳамияти. Соғликни саклашнинг назарий асослари, шахар ва қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, санитария эпидемиология хизмати, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, тиббий-мехнат экспертизасини ташкил қилиш, соғликни саклашни бошқариш, режалаштириш, маблағ билан таъминлаш асослари. Бошқариш даражалари, даврлари, менеджмент усуллари, менеджментга таъсир этувчи

омиллар. Замонавий менеджерларнинг тафсилотлари, менеджернинг бошқарувчанлик қобилиятига таъсир этувчи омиллар. Соғлиқни саклаш тизимида бошқарувчанлик тоифалари, маркетинг ва унинг тамойиллари, эҳтиёжлари, бозор, маркетинг хизмати, бозор иқтисодиёти шароитида нарх-навонинг шаклланиши. Маркетингни бошқариш, эҳтиёжлик ҳолати ва бозор иқтисодиёти шароитида саломатликни ҳимоялашни ташкил қилиш.

Радиацион гигиена. Организмга нурланувчи радиацияларнинг таъсирини асосий қонуниятлари. Ташки ва ички нурланишнинг йўл кўйиладиган даражаси, бу радиацион хавфсизликнинг асосидир. Санитар дозиметrik назорат. Берк ионланувчи нурланувчи манбалар билан ишлашда ҳимояланиш тамойиллари. Радиоактив ифлосланишдан ташки муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш. Радиацион авариялар, турлари ва уларнинг оқибатларни бартараф этишга доир тадбирлар. Ҳарбий гигиена. Ўзбекистон Республикасида қуролли кучларни санитария-гигиена таъминотини ташкил этиш. Кўшинларни жойлашиши, дала шароитларида қўшинларнинг сув таъминоти ва сифатини гигиеник назорати, ҳарбий хизматчиларни овқатланиши устидан санитария назорати ўтказиш, баъзи қўшин турларида меҳнат гигиенаси. Оммавий кирғин қуролларини ишлатиш шароитида санитария назоратининг вазифалари.

Эпидемик жараён тўғрисидаги таълимот. Эпидемик жараён омиллари ва ривожланиш механизми, кўринишлари ва интерпретацияси. Эпидемиологик текширув усуслари тизими ва мазмуни, эпидемиологик ташхисотнинг асосий тушунчалари. Эпидемияга қарши чора-тадбирлар тизими. Даволаш-диагностик, алоҳидалаш ва тартибли чеклаш чораларининг мазмуни. Эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш. Ҳайвонлар ва касаллик чакиравчи қўзгатувчиларни тарқатувчи бўғимоёқлиларнинг эпидемиологик аҳамияти. Зооноз касалликларда санитария-ветеринария тадбирлари. Дезинфекция, дезинсекция, дератизация ва стерилизация, воситалари ва уларнинг тавсифи ва уларни ташкиллаштириш. Дезинфектантлар ва уларни куллаш усуслари. Профилактик эмлаш. Maxsus ва тезкор профилактик эмлаш воситалари ва уларни қўллаш усуслари. Эмлаш календари. Эмлаш ишларини режалаштириш ва ташкиллаштириш. Ҳавфсиз эмлашни тадбиқ этиш.

Турли гурӯҳ юқумли касалликлар эпидемиологияси ва профилактикаси. Ич терлама, паратиф А ва В. Сальмонеллёзлар. Шигеллёзлар. Эшерихиозлар. Вирусли гепатитлар (А,В,С,Д,Е). Полиомиелит. Ичак иерсиниозлари. Вабо каби касалликлар эпидемиологияси ва профилактикаси. Вабо касаллигини аниқлаган участка врачининг вазифалари. Ротавирусли инфекцияларнинг эпидемиологик хусусиятлари. Бактериологик лабораториянинг иш режими билан танишиш. Грипп, ОРВИ ва атипик пневмония эпидемиологияси ва профилактикаси. Дифтерия. Кўййутал. Қизамиқ. Менингококк инфекцияси. Эпидемик паротит. Қизилча касалликлари эпидемиологияси ва профилактикаси. Касалхона ичи инфекциялари эпидемиологияси ва профилактикаси. Стрептококзлар эпидемиологияси ва профилактикаси. Ҳарбий эпидемиология. Ҳарбий ҳолатда санитария эпидемиология бўлинмалар ишини ташкиллаштириш. Душманнинг бактериологик қуроли. Тиббий эвакуация босқичларида қўшинларни бактериологик ҳужумдан ҳимоя қилиш асослари. Бактериологик қуролга қарши асосий тадбирлар. Бактериологик қурол индикацияси. Ҳарбий ҳолатда эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг мазмуни ва уни ташкил қилиш. Эпидемиологик назоратнинг мазмуни ва уни ташкил қилиш. Юқумли касалликларнинг ретроспектив эпидемиологик таҳлили. РЭТ ўтказиш. Ўтказилган РЭТ асосида эпидемияга қарши ишларни режалаштириш. Касалланишнинг кўп йиллик динамикаси таҳлилий усуслари. Касалланишнинг йиллик динамикаси таҳлили. Касалланишнинг эпидемиологик белгиларига биноан таҳлили. Эпидемияга қарши чора-тадбирларни режалаштириш. Оператив эпидемиологик таҳлили ташкиллаштириш ва ўтказиш усуслари. Зооноз инфекциялар: Қутириш. Қора оқсоқ. Куйдирги касалликлари эпидемиологияси ва профилактикаси. Тошмали тиф. Қу-иситмаси. Геморрагик иситмалар. Ўлат эпидемиологияси ва профилактикаси. Туман ДСЭНМнинг эпидемиология бўлими структураси, штатлари, иш фаолиятини ташкиллаштириш мезони ва аҳоли орасида

эпидемияга қарши тизим билан таништириш. ДСЭНМ эпидемиология бўлимининг аналитик иш фаолияти. Бактериологик лабораторияларнинг иш режими билан танишиш. Иммунопрофилактика бўйича эпидемиологик назоратни ўтказиш ва ташкиллаштириш. Кенгайтирилган иммунизация дастури, муаммолари ва истикболлари. Аҳолига эпидемияга қарши хизмат қўрсатиш тизими. Аҳоли орасида дезинфекция хизматини ташкиллаштириш. Ичак инфекциялари. Аэрозол инфекциялар. Касалхона ичи инфекциялари. Зооноз инфекциялар. Ўта ҳавфли инфекциялар. Жинсий йўл орқали юқувчи касалликлар. Паразитар касалликлар. ОИВ-инфекцияси. Лепра каби инфекцион касалликларда эпидемиологик назоратни ташкиллаштириш ва ўтказиш.

Мехнат физиологияси. Ҳавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг организмга таъсири, олдини олиш соғломлаштириш чора-тадбирлари. Токсикологик тадқиқотларни ўтказиши умумий асослари. Санитар-техник курилмаларга қўйиладиган гигиеник талаблар. Пестицидларни кўлланилишда меҳнат гигиенаси. Аёлларни меҳнат гигиенаси. Шахсий ҳимоя воситаларини кўлланилиши. Ишловчилар саломатлиги. Ишлаб чиқариш объектларида давлат санитария назоратини ўтказиш. Турли саноат ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат гигиенаси.

#### **Ихтиосослик фанлар блоки:**

Соғлом овқатланиш асослари ва овқатланишнинг замонавий назариялари. Организмнинг суткалик энергия сарфини аниқлаш. Асосий моддалар алмашинуви, овқатнинг специфик-динамик таъсирини ва турли фаолиятларга кетган қувват сарфини аниқлаш. Аҳолини овқатланиш ҳолатини ўрганиш. Озиқ-овқат маҳсулотларининг гигиеник экспертизаси (сут, гўшт, колбаса, балиқ, ун ва нон маҳсулотлари, ёғ ва мойлар, яхна ичимликлар ва банкали консервалар). Тайёр маҳсулотлар калорияси ва таркибидаги озиқ моддалар миқдорини аниқлаш. Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги бегона моддаларга баҳо бериш. Профилактик ва парҳез овқатланиш, ДСЭНМ овқатланиш гигиенаси бўлимида ташкилий услубий ишлар. Овқатланиш гигиенаси бўлимида огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратининг асослари. Умумий овқатланиш корхоналари, савдо корхоналарига қўйиладиган гигиеник талабалар ва уларни назорати. Бозорларни санитар-гигиеник текшириш қўйиладиган талаблар. Сут, гўшт, балиқ, кандолат, яхна ичимликлар ишлаб чиқариш корхоналарига қўйиладиган гигиеник талаблар ва шу корхоналарни санитария назорати. Озиқ-овқат маҳсулотларини санитария-эпидемиологик аҳамияти ва овқатдан захарланиш профилактикаси.

Болалар ва ўсмирлар жамоасининг саломатлик ҳолатини ўрганишнинг гигиеник асослари. Ўсувчи организмнинг ўсиш ва ривожланиш конуниятларининг гигиеник асослари. Жисмоний ривожланишнинг гигиеник асослари. Турли таълим муассасаларида-мактабгача таълим муассасалари, таняч мактаблари, академик лицей ва коллежларни лойихалаштириш ва куришнинг гигиеник асослари. Болалар ва ўсмирлар фаолият гигиенаси. Организмнинг ишлаш қобилияти ва функционал ҳолатини баҳолаш усуллари. ТТМларида ўқув-тарбиявий, ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишнинг гигиеник мезонлари ва баҳолаш усуллари. Болалар ва ўсмирларни овқатланишига қўйиладиган гигиеник талаблар. Болалар ва ўсмирлар ўйинчоқлари, кийимлари, ўқув дарслклари, жиҳозларига қўйилган гигиеник талаблар. Ўсмирларни касбга йўналтиришнинг гигиеник талаблари. Ёзги соғломлаштириш масканларида болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш ишларига қўйилган гигиеник талаблар. Ривожланишида нуксони бўлган болалар ва ўсмирлар муассасаларининг гигиеник асослари. Полимер курилиш материалларига қўйилган гигиеник талабалар. Болалар ва ўсмирлар муассасаларида огоҳлантирувчи ва жорий давлат санитария назоратини олиб бориш тартиблари. Болалар ва ўсмирлар жамоаси орасида соғлом турмуш тарзини ташкиллаштириш. Талабалар илмий тадқиқот ишларни амалга ошириш.

Аҳоли яшаш жойлари шароитида инсонларга атроф-мухитнинг табиий ва ижтимоий омилларини таъсири. Атроф-мухитни ифлослантирувчи маънбалар. Кимёвий моддалар ва пестицидларни гигиеник меъёрлаштириш. Гигиеник мезонлари, усуллари.

Атмосфера ҳавоси, ичимлик суви, сув ҳавзалари ва тупрок ҳолатини гигиеник баҳолаш. Ахоли турар жойлари, даволаш профилактика муассасалари, турар жой ва жамоат биноларини режалаштириш ва ободонлаштириш ва санитария-соғломлаштириш чоратадбирларини ишлаб чиқиши.

### **Қўшимча фанлар блоки**

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

ҳарбий тиббий тайёргарлик, фуқаро муҳофазаси ва фуқаро муҳафазасининг тиббиёт хизмати бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чораларни амалда қўллашни таъминлаши; табиий, техноген ва экологик фавқулодда вазиятда жабрланган ахолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва ўчоқни бартараф этиш учун ФМТХ куч ва воситаларини, зарурий мол-мулк билан таъминотини билиши ва фойдаланиши учун замин яратиши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўкув режалар ва фандастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуктаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

### **Тайлор фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанлари рўйхати ва уларнинг дастурлари ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

### **3.2. 5510300-тиббий профилактика иши бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат килиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиши шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача килиб белгиланиши мумкин.

Ўқишининг норматив муддати олти йил бўлгани ҳолда ўкув жараёни 308 хафта давом этиши зарур.

Ўкув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим -	63 - 70 %;
аттестация -	8 - 10 %;
таътил -	12 - 16 %;
малака амалиёти -	6 - 12 %;
битирув малакавий иши -	2 - 3 %.

Назарий таълим ҳажми “Соғлиқни саклаш ва ижтимоий таъминот” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар	15 - 20 %;
математик ва табиий-илмий фанлар	10 - 15 %;
умумкасбий фанлар	50 - 55 %;
ихтисослик фанлар	10 - 15 %;
қўшимча фанлар	5 - 7 %.

Ўкув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 хафта килиб белгиланади.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриатнинг асосий таълим дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, тиббий профилактика иши, аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит гигиенаси, огоҳлантирувчи ва жорий давлат санитария назорати, болалар ва ўсмиirlар гигиенаси, турли таълим муассасалари, таълим-тарбия жараёни, овқатланиш гигиенаси, давлат ва нодавлат озиқ-овқат корхоналарида давлат санитария назорати олиб бориш, коммунал гигиена, сув, тупрок, аҳоли турар жойлари, меҳнат гигиенаси, радиацион гигиена, турли ишлаб чиқариш корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараёни, босқич, радиацион хавфсизлик, шахсий химоя воситалари, санитария маорифи иши, эпидемиология, юқумли ва соматик касалликлар эпидемиологияси, ОИТС, ВИЧ.

Ишлаб чиқувчилар, келишилгаи асосий турдош олий таълим муассасалари  
ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги  
Олий ва ўрта махсус, қасб-хунар таълимини  
Ривожлантириш маркази

Директор Б.Х.Рахимов проф. Б.Х.Рахимов

М.Ү.

Тошкент тиббиёт академияси

Ректор Ш.И.Каримов академик. Ш.И.Каримов



2015 йил « 28 » маёл

КЕЛИШИЛГАН:

ССВ кадрлар ва олий ўкув юртлари бош бошқармаси  
Бошлиғи Исмаилов Ў.С.

2015 йил « 4 » июн.

М.Ү.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти  
Ректор Б.Т.Даминов проф. Даминов Б.Т.

2015 йил « 4 » июн.



Тошкент Давлат стоматология институти  
Ректор Н.Л.Хабилов проф. Хабилов Н.Л.

2015 йил « 4 » июн.



**Кадрлар буюртмачиси ва истеъмолчиси бўлгай Ўзбекистон Республикаси Соғлиқии сақлаш вазирлиги Санитария гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институтининг 5510300-Тиббий профилактика иши УАШ бакалавриатура битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблари (касбий компетентлик талаблар)**

**Бакалавр:**

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси соҳасининг асосий қонунлари, текшириш усуллари, болалар ва ўсмирлар жамоасининг ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари;

- саломатлик ҳолати ва жисмоний ривожланишнинг текшириш усуллари, чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ташкиллаштирилишини назорат қилиш, турли таълим муассасаларини (мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, академик лицей ва коллежлар, ёзги соғломлаштириш масканлари ва бошқа болалар ва ўсмирлар муассасаларини) лойиҳалаштириши ва қурилиши;

- болалар ва ўсмирлар жиҳозлари, кийимлари, пойабзаллари, ўкув қўлланмалари, турли таълим муассасаларида ўкув-тарбиявий, ўкув ва ўкув-ишлаб чиқариш жараёнини гигиеник баҳолаши;

- турли таълим муассасаларида болалар ва ўсмирлар жамоасида соғлом овқатланиши ташкиллаштириш, турли таълим муассасалари устидан огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратини ўтказиш;

- соғлом овқатланиш асослари, овқатланишнинг замонавий назарияларини маҳсулотларнинг озуқавий ва биологик қиймати;

- озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлик мезонлари ва аҳоли саломатлигига хавф солувчи алиментар омиллар, аҳоли овқатланиш ҳолатини баҳолаш усуллари, маҳсулотларни тиббий-биологик ва гигиеник текшириши;

- профилактик ва пархез овқатланиш асослари, овқатланиш гигиенасида огоҳлантирувчи ва жорий санитар назорат олиб бориши;

- маҳсулотларни санитар-эпидемиологик экологик роли ва овқатдан заҳарланишлар профилактикаси;

- овқатланиш характеристи, экологик ва социал-иқтисодий омиллар билан боғлиқ ҳолда аҳолини саломатлик ҳолатини баҳолашни ўтказиш;

- озиқ-овқат объектларида (умумий овқатланиш, озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси, гўшт-сут комбинатлари, нон заводлари, қандолат корхоналари, яхна ичимликлар, консерва, балиқ ишлаб чиқариш корхоналари)да огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратини ўтказиш;

- заарли ва ўта хавфли меҳнат шароитида ишловчи хизматчиларни профилактик овқатланиш ҳолатини баҳолаш;

- овқатланиш гигиенаси соҳасида давлат санитария назорати бўйича тиббий-санитар ва ҳисоб-ҳисобот хужжатларини тузиш; аҳоли ўртасида соғлом овқатланиш, овқатланишнинг гигиеник маданияти масалалари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориши;

озиқ-овқат корхоналари ишчиларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни маҳсулотлар хавфсизлиги муаммолари бўйича ўқитиш;

- коммунал объектларда давлат санитария назоратини олиб бориш бўйича санитария врачининг асосий хуқуқ ва вазифалари;

- сув ҳавзалари, атмосфера ҳавоси ва тупроқ муҳитларини ифлослантирувчи манбалар ва уларни тавсифномаси;

атроф-муҳит объектларини санитария ҳолатини баҳолаш услублари, кўрсаткичлари ва уларни санитария муҳофазасига йўналтирилган соғломлаштирувчи чора-тадбирлар мажмуй;

- меҳнат фаолиятининг турлари, заарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини гигиеник таснифи ва ҳосил бўлиш сабаблари;

- қишлоқ хўжалигида пестицидларни қўллашда ижобий ва салбий томонлари, саломатлик кўрсаткичлари;

- қулай меҳнат шароитларини ташкил этиш учун санитар-техник курилмаларнинг аҳамияти ва турли саноат ишлаб чиқариш корхоналарида давлат санитария назоратини ташкиллаштириши;

-организмга нурланувчи радиацияларнинг таъсирини асосий қонуниятлари, радиацион гигиена соҳасидаги асосий қонунларни;

-Ўзбекистон Республикасида қуролли кучларни санитария-гигиена таъминотини ташкил этиш;

-радиацион ва ҳарбий соҳада хавфли ва заарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг организмга таъсири, олдини олиш чоралари, заҳарли ва хавфли ишлаб чиқариш омилларини гигиеник меъёrlаштириш;

-ёпиқ ва очиқ ионлантирувчи нурланиш манбалари билан ишлашда ҳимояланиш тамойиллари, радиоактив ифлосланишдан ташқи муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш;

-қўшинларда санитар-гигиеник назоратнинг ташкилий таркиби ва санитар гигиеник хотиржамлигини таъминлашнинг асосий тамойиллари;

-аҳоли орасида касалланиш ҳолатларини белгиловчи фенотипик, ижтимоий ва табиий "хавфли омиллар" нинг таъсири ва ўзаро нисбати;

-аҳоли орасида юқумли (паразитар) ва ноинфекцион касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишининг умумий қоидалари, юқумли (паразитар) касалликларнинг алоҳида нозологик шаклларида эпидемик жараённинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитлари, унинг ривожланиш механизми ва намоён бўлиши;

-тиббиётда эпидемиологик ташхисот тизимида қўлланиладиган эпидемиологик текширув усуллари;

-профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирлар тизими ва уларнинг мазмунни, юқумли (паразитар) касалликлар профилактикаси учун ишлатиладиган препаратлар, техник воситалар ва уларни қўллаш усуллари, шунингдек профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг сифати ва самадорлигини баҳолашнинг услубий асослари;

-эпидемияга қарши тизимнинг ташкилий тузилиши, мансабдор шахслар фаолиятининг ҳизмат йўналишлари, эпидемияга қарши тизимда ахборот таъминоти ва бошқарувчилик, эпидемияга қарши ишларни режалаштириш ва ташкиллаштириш, шунингдек эпидемияга қарши ишларнинг сифат ва самадорлигини баҳолашнинг услугий асослари;

-юқумли (паразитар) касалликлар нозологик шакллари ва алоҳида гурух инфекциялари (касалликлари) устидан эпидемиологик назорат ўрнатишнинг услугий ва ташкилий асослари;

-юқумли ва паразитар касалликларда эпидемиологик назоратнинг услугий ва ташкилий асослари;

-профилактик ва эпидемияга қарши чора-тадбирларнинг сифат ва самарадорлигини баҳолашнинг услугий асослари;

-асосий эпидемиологик тушунчалари;

-давлат санитария эпидемиология назорат тизимини ахборот билан таъминланиш ва бошқариш асослари, қонуний-меъёрий ҳужжатлар **ҳақида масаввурга эга бўлиши**;

- озиқ-овқат корхоналарида ишли хизматчиларни соғломлаштириш тадбирлари режасини ишлаб чиқаришни;

- меҳнатни оғирлик ва кескинлик кўрсаткичларига қараб овқат рационини тузиш аниқлаш усулларини ва баҳолашда қонуний-меъёрий ҳужжатларни;

- озиқ-овқат маҳсулотларини эксертиза қилиш, парҳез овқат рациони тузиш ва тавсия қилишни;

озиқ-овқат корхоналарида ҳар хил турдаги санитар текширувлар ўтказишни;

- болалар ва ўсмирлар жамоасининг саломатлик ҳолати, антропометрик текшириш усулларини;

- жисмоний ривожланишни баҳолаш тартибини, турли таълим муассасаларини аҳоли яшаш жойларида лойиҳалаштириш ва куришга қўйилган гигиеник талабларни;

- болалар ўйинчоқлари, кийимлари, пойабзаллари, мактаб жиҳозларини гигиеник баҳолашни;

- жиҳозларнинг ўсуви организмга ижобий ва салбий таъсиrlарини, турли таълим муассасаларида ўқув-тарбиявий жараёнларни ташкиллаштиришга қўйилган гигиеник талабларини;

- ўсмирларни касбга йўналтиришнинг гигиеник аҳамиятини;

- болалар ва ўсмирлар овқатланиш тартибини гигиеник баҳолашни;

- турли таълим муассасаларида болалар ва ўсмирлар орасида соғлом турмуш тарзини ташкиллаштириш ва олиб боришни;

турли таълим муассасаларида давлат санитария назоратини ўтказишни;

- ичимлик сувини сифати, сув ҳавзалари, тупроқ муҳити ва атмосфера ҳавосини санитария муҳофазаси, майший-хўжалик чиқиндиларни заарсизлантириш ва бошқа коммунал обьектларда санитария текширув усуллари, улардан турли ҳил намуналар олиш ва тахлил қилишни;

коммунал объектлар устидан жорий ва огоҳлантирувчи санитария назоратини олиб бориш услубиётини;

- ишловчиларни организмнинг функционал ҳолатини ўрганишни;
- меҳнатни оғирлик ва кескинлик кўрсаткичлари бўйича иш жойлари аттестациясини ўтказиши;
- заарли ва хавфли омиларни замонавий аниқлаш усулларини ва баҳолашда қонуний-меърий ҳужжатларни;
- ишчиларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўрсатишни ташкиллашибдиши ва уларни турларини;
- ишлаб чиқариш объектларида ҳар хил турдаги санитар текширувлар ўтказиши;
- радиометрик ва радиокимёвий текширишлар учунг сув, ҳаво, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа буюмлардан намуналар олишни;
- атроф-муҳит ва ионлантирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланаидиган корхоналар ва муассасаларда санитар-дозиметрик назорат усуллари ва радиацион гигиена соҳасида огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратини ўтказишининг асосларини, ташқи ва ички нурланишнинг рухсат этиладиган даражасини, қонуний-меърий ҳужжатларни;
- қўшинларни жойлашиши, сув таъминоти, овқатланиши устидан санитария назорати ўтказиши;
- қисмдаги ҳарбий хизматчиларни казарма ва дала шароитларида яшириниш жойларни гигиеник назорат қилишни;
- ҳарбий соҳадаги ишчиларни меҳнат фаолиятининг турлари, ишлаётган организмнинг функционал ҳолатини ўзгариши, толикишни олдини олиш тадбирларини;
- оммавий қирғин қуролларини қўллаш шароитида санитария назорати ўтказиши
- юқумли касалликларнинг спорадик ва эпидемик авж олиш сабабларини аниқлашни;
- ич терлама, дизентерия, сальмонеллёз, вирусли гепатитлар, бруцеллёз, сил, ОИВ- инфекцияси, безгак, вабо ва бошқа касалликлар билан оғриб ўтганлар устидан диспансер назоратини ўрнатиш қоидларини;
- эпидемик жараённи башорат қилиш ва эпидемик вазиятни баҳолаш натижасида эпидемияга қарши чора-тадбирлар бўйича муаммо-мавзуй, функционал-тармоқ ва дастурий-мақсадли ҳамда эпидемик ўчоқларни йўқотиш режаларини тузишни;
- эпидемияга қарши чора-тадбирларни сифат ва самарадорлигини баҳолашни;
- ДСЭНМ эпидемиология бўлимининг юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси бўйича ишчи ва комплекс режаларини тузишни;
- инфекция манбаларини аниқлаш ва уларни заарсизлантириш юзасидан эпидемияга қарши чора - тадбирлар режасини тузишни;

-эмлаш хонаси картотекаси билан ишлаш, иммунизация паспорти ф-063/у бўйича эмлаш ва қайта эмлаш ишларининг тўғри ўтказилганлигини таҳлил қилиш ва ф-5, ф-6 ҳисобот шаклларини тузишни;

-химоя кийим бош (ўлатга қарши кийим) йиғмаларини (тўпламларини) кийиш ва ечиш тартиб қоидаларини;

-юқумли ва паразитар касалликлар ўчоклари, эпидемиологик назорат объектларини текшириш ва керакли хужжатларни тўлдириш, назорат объектларининг эпидемиологик ҳолати бўйича режасига таклифлар ишлаб чиқишини;

-ФЭҚДа муҳокама қилиш учун юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси бўйича материал тайёрлашни;

-вирусли гепатитлар билан касалланиш бўйича ретроспектив ва оператив эпидемиологик таҳлил ўтказиш ва унинг сабабларини аниқлашни;

-юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси бўйича ДСЭНМ эпидемиология бўлимининг комплекс режасини тузишни;

-юқумли ва паразитар касалликлар бўйича ойлик ва йиллик ҳисоботни тузишни;

-МТМ, мактаблар, соматик ва юқумли касалликлар шифохоналарида эпидемияга қарши режимни бажариш бўйича режали текширишларни ўтказишни;

-юқумли касалликлар кабинети врачининг эпидемияга қарши ишини текширишни;

-участка терапевти ва шифокор-педиатрнинг эпидемияга қарши ишини текширишни;

-марказий стерилизация бўлимларида тиббий анжомларни стерилизация қилиш сифатини текширишни;

-эпидемиологик вазиятни баҳолаш учун керакли ахборотларни йиғиш ва уларни таҳлил қилишни;

-соматик ва юқумли касалликлар шифохоналарида ўтказилган жорий дезинфекция сифатини текширишни;

-аҳоли турар-жой пунктларини тозалаш бўйича ўтказилган чоратадбирларни ташкил қилиш ва натижалари юзасидан ҳокимиятга ахборот беришни;

-ДПМ врачларига юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси бўйича семинарлар ва учрашувлар ташкил қилишни ва ўтказишни;

-зооноз касалликлари бўйича носоғлом чорвачилик ҳўжаликларини текшириш ва текшириш далолатномаларини тузишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- овқатланиш билан боғлиқ бўлган саломатлик ҳолатининг ўзгариш кўрсаткичларни аниқлаш;

- суткалик қувват сарфини ва овқатланишнинг энергия адекватлигини энергометрик ва газ алмашинувини усууллари билан аниқлаш;

- аҳоли овқатланиш ҳолатини иқтисодий, гигиеник, баланс анкета-сўров, биохимик усууллар ёрдамида қиёсий анализ қилиш;

- маҳсулотлар йўлланма ҳужжатларини санитар-гигиеник меъёрлар, қоидалар ва маҳсулотлар хавфсизлиги мезонларига мослигини баҳолаш;
- санитар-кимёвий, микробиологик ва токсикологик текшириш учун озиқ-овқат маҳсулотларидан намуна олиш;
- озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги нуқтаи назардан санитар-кимёвий ва гигиеник текшириш;
- тайёр овқат маҳсулотлари қуввати ва С витаминини сақлашини лаборатор текшириш;
- озиқ-овқат учун мўлжалланган идишларни санитар-гигиеник меъёр ва қоидаларига мослигини токсинлар тутишини лаборатор текшириш;
- озиқ-овқат корхоналарини лойиҳалаштириш ва қуришда санитар-гигиеник ва санитар-эпидемиологик меъёр ва қоидаларига риоя қилишда назорат;
- озиқ-овқат ишлаб чиқаришда, умумий овқатланиш савдо корхоналарида санитар-гигиеник ва эпидемиологик тахлика омилларини баҳолаш ва профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- ташкиллаштирилган болалар ва ўсмирлар муассасаларида болалар жамоаси саломатлик ҳолатини баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- болалар ва ўсмирлар саломатлик ҳолатини баҳоловчи асосий кўрсаткичларни баҳолаш; антропометрик текширишларни олиб бориш;
- жисмоний ривожланишни гигиеник баҳолаш тартибини, болалар фаолияти давомийлигини кузатиш, турли таълим муассасаларини лойиҳаларига гигиеник баҳо бериш;
- болалар ўйинчоқлари, кийимлари, пойабзаллари, мактаб жиҳозларига гигиеник баҳо бериш, турли таълим муассасаларида ўқутарбиявий жараёнларни гигиеник баҳолаш;
- турли таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва меҳнат таълими дарсларига гигиеник баҳо бериш;
- ўсмирларни касбга йўналтириш, турли таълим муассасаларида ҳаво-иссиқлик алмашинуви, ёритилганликка гигиеник баҳо бериш ва турли таълим муассасаларида огоҳлантирувчи ва жорий санитария давлат санитария назорати ўтказиш;
- атроф-муҳит ва ионлантирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланадиган корхоналар ва муассасаларда санитар-дозиметрик назорат усуллари ва радиацион гигиена соҳасида огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратини ўтказиш;
- ҳарбий меҳнат шароитларини назоратдан ўтказиш ва яхшилаш чораларини ишлаб чиқиш;
- вирусли гепатитлар билан касалланиш бўйича ретроспектив ва оператив таҳлил ўтказиш ва унинг сабабларини аниқлаш;
- юқумли ва паразитар касалликлар профилактикаси бўйича ДСЭНМ эпидемиология бўлимининг комплекс режасини тузиш;

-юқумли ва паразитар касалликлар бўйича ойлик ва йиллик ҳисоботни тузиш;

-МТМ, мактаблар, соматик ва юқумли касалликлар шифохоналарида эпидемияга қарши тартибни бажариш бўйича режали текширишлар бўйича далолатномалар тузиш;

-юқумли касалликлар кабинети врачининг эпидемияга қарши ишини текшириш натижалари бўйича далолатномалар тайёрлаш;

-УАШ врачининг эпидемияга қарши ишини текшириш натижалари бўйича далолатномалар тайёрлаш;

-марказий стерилизация бўлимларида тиббий анжомларни стерилизация килиш сифатини текшириш;

-эпидемиологик вазиятни баҳолаш учун керакли ахборотларни йиғиш ва уларни таҳдил қилиш;

-соматик ва юқумли касалликлар шифохоналарида ўтказилган жорий дезинфекция сифатини текшириш;

-аҳоли турар-жой минтақаларида тозалаш бўйича ўтказилган чоратадбирларни ташкил қилиш ва натижалари юзасидан ҳокимиятга ахборот бериш;

-ДПМ врачларига юқумли ва паразитар касалликлар бўйича семинарлар ва учрашувлар ташкил қилиш ва ўтказиш;

-зооноз касалликлари бўйича носоғлом чорвачилик ҳўжаликларини текшириш ва текшириш далолатномаларини тузиш бўйича **қўнималарига эга бўлиши керак**.

**Санитария гигиена, касб касалликлари  
илемий тадқиқот институти вактичалик  
директори вазифасини бажарувчиси**



У.Х.Аидлов

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ, ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ  
ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ КЕНГАШЛАРИНИНГ  
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

Тошкент ш.

«\_\_\_» 2015 й.

Раис: Тешаев О.Р. – ТТА ўкув ишлари проректори  
Котиба: катта ўқитувчи, т.ф.н. Ахмадалиева Н.

**ҚАТНАШДИЛАР:**

Азизова Ф.Х., Зуфаров П.С., Хамраев А.А., Саломова Ф.И., Рустамова Х.Е.,  
Иноярова Ф.Х., Асилова С.У., Каримов М.Ш., Абдуллаева Р.М., Рустамова  
М.Т., ТПТИдан: Искандаров А.И., Агзамова Н.В., Ахмедов Ш.М.,  
Искандарова Ш.Т.

**КУН ТАРТИБИ:**

5510100 – даволаш иши, 5111000 – касб таълими (5510100 – даволаш иши), 5510300 – тиббий профилактика иши, 5510700 – олий ҳамширалик иши, 5510800 – ҳарбий тиббиёт таълим йўналишлари бўйича Малака талаблари ва ўкув режаларини тасдиқка тавсия этиш.

**ЭШТИЛДИ:**

Кун тартибидаги мазкур масала юзасидан ҳар бир йўналиш бўйича ишчи гурӯҳ раҳбарлари (Зуфаров П.С., Хамраев А.А., Саломова Ф.И., Собиров Д.Р.)нинг ахбороти тингланди. Тешаев О.Р. тайёрланган Малака талаблари ва ўкув режалари лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришни йигилганлар муҳокамасига кўйди.

Муҳокамада А.И.Искандаров, Ф.Х.Азизова, Н.В.Агзамова ва  
М.Ш.Каримовлар иштирок этди.

**Муҳокама этилган масала юзасидан мажлис қарор қилади:**

1. 5510100 - Даволаш иши, 5111000 - Касб таълими (5510100 - даволаш иши), 5510300 - Тиббий профилактика иши, 5510700 – олий ҳамширалик иши, 5510800 - Ҳарбий тиббиёт йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўкув режалари йиғилишда билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилсин.
2. Ишлаб чиқилган йўналишларнинг Малака талаблари ва ўкув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқка тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўкув-услубий бирлашма йиғилиши муҳокамасига тақдим этилсин.



Раис:

Тешаев О.Р.

Котиба:

Ахмадалиева Н.

Тошкент тиббиёт академияси ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

«\_\_\_\_\_» 2015 й.

Биз, қуида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Республикаси соғлиқи сақлаш вазирлигининг Фан ва ўкув юртлари Бош бошқармаси бошлини У.С.Исмоилов ва ТТА ўкув ишлари бўйича проректори О.Р.Тешаевлар Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидаг тайёрланган қуийдаги таълим йўналишларининг Малака талаблари мазмун билан танишиб, келишув ҳакида ушбу далолатномани туздик:

1. 5510100 – Даволаш иши
2. 5111000 – Касб таълими (5510100 – Даволаш иши)
3. 5510300 – Тиббий профилактика иши
4. 5510700 – Олий ҳамширалик иши
5. 5510800 – Ҳарбий тиббиёт

Таълим йўналишларининг Малака талаблари ва ўкув режалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаг “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларин тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш в қўшимчалар киритиш ҳакида”ги 3-сон қарорига мос равишда ишлаб чиқилга ва бунда кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатг олинган, фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий, лаборатори машғулотларига ажратилган юкламалар ҳажми, фанларни семестрлард ўқитилиши кетма-кетлиги ҳамда малакавий амалиётларни ўтказиш муддатлар тўғри шакллантирилган.

5510100 - Даволаш иши, 5111000 - Касб таълими (5510100 - даволаг иши), 5510300 - Тиббий профилактика иши, 5510700 – олий ҳамширалик иши 5510800 - Ҳарбий тиббиёт йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўкув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқка тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни  
сақлаш вазирлиги фан ва ўкув юртлари  
Бош бошқармаси бошлиғи

Исмоилов У.С.

ТТА ўкув ишлари бўйича проректори

Тешаев О.Р.



**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ БҮЙИЧА ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
ЙЎНАЛИШИ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРИНИНГ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
БИРЛАШМАСИ МАЖЛИС  
БАЁНИ**

Тошкент ш.

«\_\_\_\_\_» 2015 й.

Раис: Даминов Б.Т. - соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув-услубий бирлашмаси раиси Котиба: Абдураззоқова З.К.

**ҚАТНАШДИЛАР:**

Тешаев О.Р. – ТТА ўқув ишлари проректори, Искандаров А.И. – ТПТИ ўқув ишлари проректори, Юлдашев З.А. – ТошФарми ўқув ишлари проректори, ўқув-услубий бўлим бошлиқлари, етакчи профессор-ўқитувчилар

**КУН ТАРТИБИ:**

5510100 – Даволаш иши, 5111000 – Касб таълими (5510100 – Даволаш иши), 5510300 – Тиббий профилактика иши, 5510700 – Олий ҳамширалик иши, 5510800 – Ҳарбий тиббиёт таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режалари муҳокамаси

**ЭШИТИЛДИ:**

Кўрилаётган масала бўйича ТТА ўқув ишлари проректори О.Р.Тешаев академия профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 5510100 – даволаш иши, 5111000 – касб таълими (5510100 – даволаш иши), 5510300 – тиббий профилактика иши, 5510700 – Олий ҳамширалик иши, 5510800 – ҳарбий тиббиёт таълим йўналишлари Малака талаблари ва ўқув режалари бўйича ахборот берди: мазкур Малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори, Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ДТС асосида тайёрланган.

ТТА ва ТПТИ ўқув-услубий бўлим бошлиқлари Ф.Х.Азизова ва Н.В.Агзамовалар таълим йўналишларининг Малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорига мосравиша ишлаб чиқилганлиги ва бунда турдош олий таълим муассасаларининг таклифлари инобатга олинганлиги ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Олий таълимнинг соғлиқни сақлаш билим соҳаси бўйича ижодий ишчи гурӯҳ раҳбари Тешаев О.Р. ТТА профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 5510100 – Даволаш иши, 5111000 – касб таълими (5510100 – даволаш иши), 5510300 – Тиббий профилактика иши, 5510700 – Олий ҳамширалик иши, 5510800 – Ҳарбий тиббиёт таълим йўналишлари Малака

талабалари ва ўкув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқка киритиш таклифини берди.

### ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. ТТА профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган 5510100 – Даволаш иши, 5111000 – Касб таълими (5510100 – Даволаш иши), 5510300 – Тиббий профилактика иши, 5510700 – Олий ҳамширалик иши 5510800 – Ҳарбий тиббиёт таълим йўналишларининг Малака талаблари ва ўкув режалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарори меъёрларига қатъий амал қилинган холда ишлаб чиқилганлиги ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирлик, идоралар ва Фанлар Академиясининг тармоқ ИТИларида экспертиздан ўтказилганлиги белгилаб қўйилсин.
2. Ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўкув режаларида турдош ОТМларининг таклиф ва эътиrozлари инобатга олинганлиги эътироф этилсин.
3. Ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўкув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказига тақдим этилсин.

Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича  
олий таълим йўналишлари ва  
мутахассисликлари ўкув-услубий  
бирлашмаси раиси

Котиба



Даминов Б.Т.

Абдураззакова З.К.

**Тошкент тиббиёт академияси 5510300- тиббий профилактика иши  
йўналишининг бакалавриат босқичи учун тузилган малака  
талабларига**

**ТАҚРИЗ**

Юртбошимиз Ислом Каримов тақидлаганларидек, хар бир инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкини, ҳаётнинг маъноси қобил фарзандларни камол топтириб, уларни ҳам жисмоний ҳам маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садақотли инсонлар қилиб вояга етказишдан иборатдир.

Мамлакатимизда Таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида мустақиллик йилларида қатор қонун ва дастурлар ишлаб чиқарилган: буларга 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун, Фуқоралар ва соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун, Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги борасидаги қонунлар ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари киради.

Ушбу қонун ва дастурларини амалиётга татбиқ этиш борасида бугунги кунда мамлакатимизда қатор ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Таълим тўғрисидаги қонунда Республикаизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими босқичларининг кетма-кетлиги келтирилган бўлиб, унинг асосий босқичларидан бири эса Олий таълим тизимининг бакалавриатура босиқичидир.

Тошкент Тиббиёт академияси тиббий профилактика иши йўналиши ходимлари томонидан тузилган малака талабларида шу йўналишида таълим олаётган баклвриат таълим йўналишининг умумий таснифи, қўлланиш соҳаси, таълим йўналиши бўйича балакврлар касбий фаолиятларининг таснифи, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари, бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юкламаларнинг ҳажми ва тақсимоти, библиографик маълумотлар, ишлаб чиқарувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасаларида ҳамда кадрларга истеъмолчиларнинг эҳтиёжи ва

талаблари бўлимларидан иборат бўлиб, малака талаблари тиббий профилактика иши йўналиши бўйича ўзлаштириш лозим бўлган барча фанларнинг мазмуни, билим ва кўникмалари кетма-кет тарзда олий таълим тизими талаблар асосида ёритилган.

Ушбу малака талабларининг ҳар бир бўлимида ёритилиш лозим бўлган масалалар тартиби босқичма-босқич тартибда келтирилган.

**Хуноса.** Тошкент тиббиёт академияси тиббий профилактика иши йўналиши ходимлари томонидан тузилган 5510300-тиббий профилактика иши бакалавриат йўналиши учун ишлаб чиқарилган малака талаблари йўналиш олий таълим тизими талабларига мос келади, шу ўринда бакалвр йўналиши талабалари томонидан ўзлаштириши лозим бўлган билим ва кўникмаларни тўлиқ ўз ичига олган меъёрий хужжат хисобланиб, расмий тасдиқлашга тавсия этилади.

**Тақризчи:**

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни  
сақлаш вазирлиги Санитария гигиена  
ва қасб касалликлари илмий тадқиқот  
институти илмий ишлар бўйича директор  
ўринбосари, т.ф.д., профессор

Р.Т.Камилова



Роҳимов Рамизбек  
инспектор О.к. Гуломов Т.Г. Сенс

5510300- Тиббий профилактика иши йўналишининг бакалавриат босқичи учун тузилган малака талабларига

## ТАҚРИЗ

Тақриз учун тақдим этилган мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни, кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ЎзР президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар махкамасининг ҳамда Ўрта ва олий таълим Вазирлигининг соҳа оид меъёрий хужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

Таълим тўғрисидаги қонунда Республикаизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизими босқичларининг кетма-кетлиги келтирилган бўлиб, унинг асосий босқичларидан бири эса Олий таълим тизимининг бакалавриатура босиқичидир.

Тошкент Тиббиёт академияси тиббий профилактика иши йўналиши ходимлари томонидан тузилган малака талабларида шу йўналишида таълим олаётган баклвриат таълим йўналишининг умумий таснифи, қўлланиш соҳаси, таълим йўналиши бўйича балакврлар касбий фаолиятларининг таснифи, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари, бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юкламаларнинг ҳажми ва тақсимоти, библиографик маълумотлар, ишлаб чиқарувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасаларида ҳамда кадрларга истеъмолчиларнинг эҳтиёжи ва талаблари бўлимларидан иборат бўлиб, малака талаблари тиббий профилактика иши йўналиши бўйича ўзлаштириш лозим бўлган барча фанларнинг мазмуни, билим ва кўникмалари кетма-кет тарзда олий таълим тизими талаблар асосида ёритилган.

Ушбу малака талаблари мазмунан кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаган вазифаларни акс эттириб, умумий малака компитенциялар, илмий тадқиқот фаолияти, тиббиёт профилактикаси, ташкилий усуслубий фаолияти, ташкилий бошқарув

фаолияти, тиббий-ижтимоий ва жамоа соҳасидаги фолияти бўйича 5510300 тиббий профилактика иши йўналишида бакалаврлар тайёрлашга қўйиладиган талаблар жамаламасини ифодалайди ва рақобатбордош мутахассисларни тайёрлашни кўзда тутади.

Ушбу малака талабларининг ҳар бир бўлимида ёритилиш лозим бўлган масалалар тартиби босқичма-босқич тартибда келтирилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашимиз лозимки, Тошкент тиббиёт академияси тиббий профилактика иши йўналиши профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган 5510300-тиббий профилактика иши бакалавриат йўналиши учун ишлаб чиқарилган малака талаблари тиббий профилактика иши йўналиши таълим тизими талабларига мос келадиган меъёрий ҳужжат ҳисобланиб, расмий тасдиқлашга тавсия этилади.

Тақризчи:

Тошкент врачлар малакасини  
ошириш институти Гигиена  
кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

Д.А.Зарединов



Inizosini kelsayuvchi Tumon  
Kadrler bo'lini bo'libing'

**5510300 – Тиббий-профилактика иши таълим йўналиши бўйича**  
**бакалаврларнинг тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйиладиган**  
**ТАЛАБЛАР**

**Малака талабларининг халқаро миқёсидаги бошқа малака талаблари билан қиёсий тақкослаш**  
**Бакалавриатида таълим жараёнинг умумий қўрсаткичлари**

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент тиббиёт академияси (бакалавриат)	Австралия, Нотр-Дам Университети (профилактик тиббиётни бакалаври - Bachelor of Preventive Health)	Америка Кўшма Штатлари, Техасс университети (соглиқни саклаш тизимдаги бакалаври - Bachelor of Science in Health)	Буюк Британия, Уэльс Университети (атроф муҳит гигиена бакалаври - Bachelor of Science Degree in Environmental Health)
1.	<b>Бошланиши</b>	3 йиллик лицей ёки коллеждан сўнг 5510300 – Тиббий-профилактика иши таълим йўналиши бўйича бакалавриати	12 йиллик мактабдан ёки университет коллеждан сўнг	12 йиллик мактабдан сўнг	12 йиллик мактабдан сўнг
2.	<b>Давомийлиги</b>	6 йил	3 йил	4 йил	4 йил
3.	<b>Таълим олувчилик сони</b>	80-90	30-40	40-50	20-25
4.	<b>Ўтиш жойлари</b>	Тиббиёт институтлари, тегишли кафедралар ва базалар	Университет қошидаги профилактик тиббиётига доир кафедралар ва муассасалари	Университет қошидаги жамоат саломатлиги ва соглиқни саклашга доир кафедра ва муассасаларида	Университет қошидаги кафедралар, махаллий ва халқаро жамоат ташкилотлари, давлат муассасалари, нодавлат ташкилотлари
5.	<b>Таълим берувчилар</b>	Тиббиёт институтидаги профессор-ўқитувчилар, малака ошириш курсини тутатган олий маълумотга эга бўлган-шифокор-ўқитувчилар, амалий кўникмаларни ўргатиш бўйича бошқа тор доирадаги	Университет қошидаги тиббиёт факультетлари ўқитувчилари, нодавлат ташкилотлари мутахassisлари	Университет қошидаги жамоат соғлигини саклаш кафедра мутахassisлари, жамоат соғлигини саклаш соҳасида халқаро даражадаги тадқиқотчилар, соглиқни саклаш соҳасидаги мутахassisлар	Университет қошидаги тиббиёт факультетлари ўқитувчилари-жамоат соғлигини саклаш мутахassisлари, клиника ва унинг филиаллари мутахassisлари, нодавлат ташкилотлари мутахassisлари

		мутахассислар			
6.	<b>Таълим жараёнини кузатиш ва назорат килиш</b>	Куйидаги тартибда амалга оширилади: бакалавриат деканати – кафедра мудирлари-профессор-ўқитувчилар (бевосита таълим берувчи ўқитувчи) – талаба.	Куйидаги тартибда амалга оширилади (кредит-балл тизими, 1 йилда 100 кредит-балл); дастур раҳбари - Университет профессор-ўқитувчилар ва нодавлат ташкилотлари мутахассислари – талаба.	Куйидаги тартибда амалга оширилади: жамоат соглигини сақлаш кафедра раҳбарлари - профессор-ўқитувчилар – талаба.	Куйидаги тартибда амалга оширилади (кредит-балл тизими, 1 йилда 42 кредит-балл): Университет раҳбари - дастур директори - Университет қошидаги кафедралар профессор-ўқитувчилар ва бошқа ташкилотлари мутахассислари – талаба.

### Бакалавриатида таълим жараёнинг таркиби

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент тиббиёт академияси (бакалавриат)	Австралия, Нотр-Дам Университети, (профилактик тиббиётни бакалаври - Bachelor of Preventive Health)	Америка Кўшма Штатлари, Техасс университети (согликни сақлаш тизимдаги бакалаври - Bachelor of Science in Health)	Буюк Британия, Уэльс Университети (агроф мухит гигиена бакалаври - Bachelor of Science Degree in Environmental Health)
1.	Назарий таълим	Асосий қисми амалий машғулотлари кўринишида асосий базада ва қисман амалиёт ўтилаётган муассасаларда ўтказилади	Университет қошидаги профилактик тиббиётига доир кафедраларида ва унинг ҳамкор кафедраларида семинар дарслари ва факультатив кўринишида ўтказилади	Асосан Университет қошидаги ва унинг ҳамкор кафедраларида амалий машғулотлар дарслари ва факультатив кўринишида ўтказилади	Асосий қисми мавзу бўйича маъruzalар, ўқитувчи билан амалий машғулотлар, меҳмон семинар презентациялари асосида ўтказилади.
2.	Амалий таълим	Бакалаврларни тайёрлашнинг таълим дастури талabalар куйидаги амалиётларни – терапевтик bemor парвариши, хирургик bemor парвариши, хирургияда ҳамширалик иши, терапияда ҳамширалик иши, микробиология, бактериология ва вирусология, эпидемиология, гигиена йуналишлари бўйича	Ўқув дастурида кўрсатилган цикллар кўринишида нодавлат ташкилотлари ва тадқикот институтларида амалга оширилади.	Жамоат соглигини сақлаш мактаби ҳамда университет қошидаги кафедралар билан ҳамкорликдаги ушбу соҳага доир тадқикот институтларида цикллар кўринишида амалга оширилади.	Ўқув дастурида кўрсатилган цикллар кўринишида жамоат соглигини сақлаш мактаби ҳамда ҳамкор кафедралари, махаллий, миллӣ ва жамоат ташкилотлари амалга оширилади.

		амалиётларини ўтишни ўз ичига олади. Ўкув дастурида кўрсатилган малака амалиёти кўринишида даволаш профилактика муассасаларда, вирусология, микробиология, серология лабораторияларда, Давлат санитария эпидемиология назорат марказларида, СПИД марказида, гигиена ихтисослигига тегишли объектларида амалга оширилади.			
3.	Илмий тадқиқот ишлари	Бакалавриатда таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича талабалар илмий анжуманларида иштирок этади ва кафедра профессор-ўқитувчилари илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида тезислар ёзиш, республика ва илмий анжуманларда иштирок этиб маъруза қилиш билан шугулланадилар.	Бакалавриат ўқиши жараённида ишининг мавзуси кейинги босқичда магистратурада илмий ишига асос сифатида танланади ва мустақил илмий изланиш кўринишида амалга оширилади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар ёзадилар ва илмий анжуманларда иштрок этадилар.	Бакалавриат талабалари ўқиши жараённида илмий иш мавзуси кейинги босқичда магистратурада илмий ишига асос сифатида танланади.	Бакалавриат талабаси танлаган илмий иши мавзуси асосида рефератлар тақдим қилиши, конференцияларда иштрок қилиши ва журналга мақола ёзиши мумкин.
4.	Мустақил таълим	Талабалар назарий машгулотлар ва амалий кўникмалар бўйича асосий база ва бошқа тиббиёт	Талабалар профилактик тиббиётга мослаштирилган барча шарт-шароитлардан	Талабалар жамоат соғлигини саклаш мактаби, унинг ҳамкор кафедраларига мослаштирилган барча шарт-шароитлардан унумли	Бакалавриат талабалари университет кошидаги атроф мухит гигиенага тегишли барча кафедраларида барча шарт-

		муассасаларда шароитлардан материаллар, хужжатлар, интернет тармоги, лаборатория ва бошка асбоб-ускуналар) фойдаланган билимларини мумкин.	яратилган (тарқатма тиббий кутубхона, холда ўз оширишлари мумкин.	унумли фойдаланишлари мумкин.	фойдаланишлари мумкин.	шароитлардан фойдаланишлари мумкин.
5.	Таълим жараёнида баҳолаш	Талабаларининг назарий ва амалий кўнималари бўйича билимларини баҳолаш бакалавриат рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари тест кўринишида ва амалий кўнималарни намойиш этиш кўринишида амалга oshiрилади	Талабаларнинг назарий билимлари ўкув дастурида белгиланган кредит балларини тўплаш орқали амалга оширилади. Амалий кўнималар ҳар ойда ва ярим йилликда цикл давомида кузатиш ҳамда мустақил намойиш этиш орқали баҳоланади. Якуний давлат имтиҳон оғзаки асосида баҳоланади	Талабаларнинг назарий билимлари ўкув дастурида белгиланган кредит балларини тўплаш орқали (A, B, C, E, I, S) амалга оширилади. Амалий кўнималари ҳар ойда ва ярим йилликда цикл давомида кузатиш ҳамда мустақил намойиш этиш орқали баҳоланади. Якуний давлат имтиҳон оғзаки асосида баҳоланади.	Талабаларининг жорий билими, компетенцияси ва ўзлаштириши 3 босқичда амалга оширилади: 1 ва 2 семестрлар охирида ёзма иш орқали, якуний назорат тест орқали амалга оширилади.	

### Бакалавриатида таълим жараёнинг мазмуни ва давомийлиги

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент тиббиёт академияси (бакалавриат)	Муддати	Австралия, Нотр- Дам Университети, (профилактик тиббиётни бакалаври – Bachelor of Preventive Health)	Муддати	Америка Кўшма Штатлари, Техасс университети (соғлиқни сақлаш тизимдаги бакалавр – Bachelor of Science in Health)	Муддати – 1 йиллик учун (1 кредит соат – 1 хафта)	Буюк Британия, Уэльс Университети (атроф -мухит гигиена бакалаври - Bachelor of Science Degree in Environmental Health)	Муддати
1. Гуманитар иҷтимоий- иктисодий фанлар	54 хафта	3 та асосий бирликда (ўкув): • Этика		Асосий талаблар (48 та кредит соати шарт):	48 та кредит соати	• Эпидемиология кириш • Биостатистика	

<b>2.Математик табиий-илмий фанлар</b>	ва	90 хафта	<ul style="list-style-type: none"> <li>• фалсафага кириш</li> <li>• теологияга кириш</li> </ul> <p><b>Зарурий блоклар ўз ичига олади:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Саломатлик муаммоси ва олдини олишга ёндошув</li> <li>• Ахолининг саломатлик ҳолатни мустахкамлашга ёндошув</li> <li>• саломатлик ҳолатини мустахкамлашга хамкорлик</li> <li>• Соғлом бўлиш учун овқатланиш</li> <li>• Саломатлик ва касалланиш, таҳлика омиллари</li> <li>• Психология ва саломатлик</li> <li>• Жисмоний фаоллик ва саломатлик</li> <li>• Жисмоний фаоллик ва спортнинг рухий ижтимоий омиллари</li> <li>• Маркетинг</li> <li>• Маркетинг тадқиқотлари</li> </ul>
<b>3.Умумкасбий фанлар</b>		218 хафта	
<b>4.Ихтисослик фанлари</b>		46 хафта	
<b>5.Кўшимча фанлар</b>		18 хафта	
<b>6.Таилов фанлари</b>		7 ой	
<b>7.Малака амалиёти</b>		19 хафта	
<b>8.Аттестациялар</b>		28 хафта	
<b>9.Таътил</b>		46 хафта	

<ul style="list-style-type: none"> <li>• Жамоат саломатлиги ва хамкорликка кириш</li> <li>• Жисмоний фаоллик ва саломатлик</li> <li>• Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва ўзини тутиш</li> <li>• Саломатлик ҳолатни мустахкамлаш каратилган сайтлар</li> <li>• Наркотиклар ва саломатлик</li> <li>• Ўсиш ва ривожланиш ва ўсмирлар саломатлик ҳолатни мустахкамлаш</li> <li>• Ахоли касалликлари ва эпидемиологияси</li> <li>• Овқатланиш ва саломатлик</li> <li>• Атроф мухит гигиенаси ва хавфсизлиги</li> <li>• Соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш бўйича малака ошириш</li> <li>• Ташкии лалаштириш назариясига кириш</li> <li>• Бошқариш соҳасига кириш ва бошқариш соҳасида маҳсус тадқиқотлар олиб бориш</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Саломатликни мустахкамлаш ва профилактика</li> <li>• Атроф мухит саломатлиги</li> <li>• Жамоат саломатлиги амалиёти ва уни бошқариш</li> <li>• Амалиёт соҳаси бўйича малака ошириш</li> </ul>	
--	--	--	--

		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Маслаҳат бериш назарияси ва ёндошув</li> <li>• Психологик маслаҳатлар</li> </ul>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• Лаборатор тадқиқотлар</li> <li>• Одам анатомияси</li> <li>• Одам физиологияси</li> <li>• Алоқа ва хисоблаш технологиясига, кинезиологияга кириш</li> <li>• Алгебра иловалари билан</li> <li>• Асосий статистик маълумотлар</li> </ul>			
--	--	---	--	--	--	--	--

**Изоҳ:** 5510300 – Тиббий-профилактика иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларлиги ҳозирги кунда жуда долзарб йўналиш бўлиб, нафакат Ўзбекистон Республикаси балки бошқа Европа, Америка, Осиё, МДҲ давлатлари соғлиқни сақлаш тизимида ҳам доимий изланишни, таҳлил қилиш ва мукаммаллаштиришни талаб қилмоқда. Юкоридаги маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, давлатимизда яратилаётган 5510300 – Тиббий-профилактика иши таълим йўналиши бўйича малака талаблари жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, бошқа давлатларнинг малака талабларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос ҳусусиятлари билан ажralиб туради.

**Манба:**

- [http://www.google.com/url?sa=t&rct=j&q=&esrc=s&frm=1&source=web&cd=5&cad=rja&ved=0CG4QFjAE&url=http%3A%2F%2Fpublichealth.msu.edu%2F&ei=phmcUuPXNMf2ygPJ\\_oCwCw&usg=AFQjCNEewnclfKgFb87C5hdYrODXFgIydQ&sig2=VAJegifCtNd1LdTQGMP-g&bvm=bv.57155469,d.bGE](http://www.google.com/url?sa=t&rct=j&q=&esrc=s&frm=1&source=web&cd=5&cad=rja&ved=0CG4QFjAE&url=http%3A%2F%2Fpublichealth.msu.edu%2F&ei=phmcUuPXNMf2ygPJ_oCwCw&usg=AFQjCNEewnclfKgFb87C5hdYrODXFgIydQ&sig2=VAJegifCtNd1LdTQGMP-g&bvm=bv.57155469,d.bGE)
- [http://www.google.com/url?sa=t&rct=j&q=&esrc=s&frm=1&source=web&cd=4&cad=rja&ved=0CGIOFjAD&url=http%3A%2F%2Fwww1.imperial.ac.uk%2Fmedicine%2Fteaching%2Fpostgraduate%2Fmasterspublichealth%2F&ei=DxqcUpmkBobrywOP3YKwCg&usg=AFQjCNEt7CwIDA42RfuupeUiHOOjPpBrwA&sig2=4DQhBPvC-Kja\\_zChp5FqOA&bvm=bv.57155469,d.bGE](http://www.google.com/url?sa=t&rct=j&q=&esrc=s&frm=1&source=web&cd=4&cad=rja&ved=0CGIOFjAD&url=http%3A%2F%2Fwww1.imperial.ac.uk%2Fmedicine%2Fteaching%2Fpostgraduate%2Fmasterspublichealth%2F&ei=DxqcUpmkBobrywOP3YKwCg&usg=AFQjCNEt7CwIDA42RfuupeUiHOOjPpBrwA&sig2=4DQhBPvC-Kja_zChp5FqOA&bvm=bv.57155469,d.bGE)
- <http://utsa.edu/ucat/coehd/BSHealth.html>
- [http://www.nd.edu.au/\\_data/assets/pdf\\_file/0014/117302/BachelorPreventiveHealth\\_SOHSF\\_F3289.pdf](http://www.nd.edu.au/_data/assets/pdf_file/0014/117302/BachelorPreventiveHealth_SOHSF_F3289.pdf)

**5510300 – Тиббий профилактика шини бакалавр йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талабининг ишлаб чиқилишига тушунтириш хати**

**5510300 – Тиббий профилактика шини** бакалавр йўналиши бўйича малака талабарини ишлаб чиқиша куйидаги меъёрий-хуқукий ҳужжатлар асос қилиб олинди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Давлат бошқарув соҳасида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ- 4435- сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўtkазиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 марта ги “Ахборот- коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 1942-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиши ва жорий этиш тўғрисида»ги 5 – сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлдаги 341-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўtkазиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 199-сонли қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг

2012 йил 4 июлдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 281-сонли бўйруғи.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги “Янгиланган «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисида”ги 302-сонли бўйруғи.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 190-сонли бўйруғи.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 446-сонли бўйруғи.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 158-сонли бўйруғи.

18. ООО «SERT AKADEMIE»нинг ISO 9001:2008 Халқаро стандарти

**5510300 – Тиббий профилактика шини** бакалавр йўналиши бўйича малака талаблари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга, ҳамда таълимни ривожлантиришга йўналтирилган Президент фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини амалга оширилишни мукаммалаштиришга қаратилди;

Малака талаблари дастурида мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамоиллари ҳисобга олинди;

Малака талаблари асосида таълим олувчиларда чукур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади;

Ушбу малака талаблари халқаро миёсида тан олинган тиббиёт олий ўкув юртлари тажрибалари, замонавий техника ва технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари, иқтисодиёт устуворлиги шароитида кадрларга нисбатан амалиётда қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган ҳолда илмий асосланган;

Таълим турлари ва босқичлари бўйича йўналиш стандартининг келишилганлиги, узвийлиги ва изчиллиги, шахснинг ҳар томонлама ривожланишига йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда, уни ишлаб чиқища барча талаблар мужассамлигини таъминлашга қаратилди;

Ўкув юкламаси оддийдан мураккабга ўзгаришига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди;

Таълим олувчилар ва битиравчиларни тайёрлаш, таълим фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиби белгиланган меъёр-қоидаларга мослигига эришилди;

Малака талабларида таълим олувчилар келгуси касбни эгаллаш ҳамда юқори малакали мутахассис сифатида фаолият юритиши учун билим, кўникма ва малакалари мутахассислик талабларига мос равишда ёритилди.

*5510300 – Тиббий профилактика иши* бакалавр йўналиши бўйича малака талаблари Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини тўлиқ қониктиради.

Тошкент тиббиёт академияси  
ўкув ишлари бўйича проректор,  
профессор

О.Р.Тешаев

